

Ҳанафий мазҳабининг тарқалиши

16:12 / 28.03.2017 3374

Ҳанафий мазҳаби ўзидаги хусусиятлар омил ўлароқ тез ва соз ўсди, тезликда турли ўлкаларда кенг тарқалди. Унинг ўсиши ва тарқалишининг бош омиллари учта;

1. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдлари кўплиги ва уларнинг ўз устозлари ижтиҳоди самараларини тақатишга катта аҳамият беришлари. Улар ҳанафий фикҳининг асосларини баён қилдилар ва устозларига оз нарсада хилоф қилиб кўп нарсада мувофиқ бўлдилар.
2. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдларининг шогирдлари ҳам ҳукмларнинг далил ва сабабларини ҳаммага баён қилиб бердилар.
3. Ҳанафий мазҳаби беш юз йилдан ортиқ даврда аббосий давлатининг расмий мазҳаби бўлиб тургани. Халифа Ҳорун Рашид имом Абу Юсуфни қози этиб таъинлаган. Ўз навбатида Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи бошқа қозиларни таъинлар эдилар.